

**Қулматов Примқул Мелиқўзиевич**

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, ф.ф.н. доц.**

**Жиззах политехника институти**

**ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ - XXI АСР ЖАМИЯТ**

**ТАРАҚҚИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ СИФАТИДА**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фаол фуқаролик жамияти куриш жараёнида фуқароларимизда фуқаролик масъулиятини шакллантиришнинг зарурлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Жамият, фуқаролик, масъулият, демократия, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳуқуқ, давлат, фуқаролик жамияти, позиция, ҳуқуқий саводхонлик.

**Kulmatov Primkul Melikoziyevich**

**Head of the Department of "Social Sciences", Ph.D. Assoc.**

**Jizzakh Polytechnic Institute**

**CITIZEN RESPONSIBILITY - AS A GUARANTEE FOR IMPROVING**

**SOCIETY DEVELOPMENT OF THE 21ST CENTURY**

**Annotation:** The article analyzes the need to form civil responsibility in our citizens in the process of building a democratic legal state and an active civil society in our country from a socio-philosophical point of view.

**Keywords:** society, citizenship, responsibility, democracy, Constitution of the Republic of Uzbekistan, law, state, civil society, position, Legal Literacy.

Ҳеч биримизга сир эмаски XXI аср жамиятда фуқароларнинг фаол ҳаракати ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини таъминловчи куч ҳисобланади. Зеро, фуқаро бўлмаса жамият бўлмаганидек, унинг фаол ҳаракатисиз, масъулиятисиз мамлакатнинг тараққиётини бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун бугун мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган даврда, энг муҳим вазифа фуқароларнинг жамият тараққиёти, давлат бошқарувини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш,

бунинг учун унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий асосларини яратиш муҳим вазифа бўлиб келмоқда. Зеро, фуқаролар, хусусан, ҳар бир ёшларнинг жамиятдаги ўзига хос ўрнини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш биз мақсад қилган демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан бири. Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини риважлантиришда ёшларга глобаллашув замоннинг салбий таъсирини камайтириш ва уларда дахлдорлик асосида маънавий комил шахс этиб тарбиялаш учун ёшларда ватан ҳалқи олдида масъулият ҳиссини шакллантириш зарур. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ”. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини, яъни, 60 фоизини ташкил этадиган ёшлар қатламини бугунда жамият ва давлат олдида масъулиятли қилиб тарбиялаш бугунги миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ҳамда давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим куч сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада ёш олим Туратов Ш. масъулият ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади. “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ўзининг бир қатор мезонларига эга бўлиб, уларнинг асосийларидан бири – ҳар бир жамият аъзоларида масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир. Масъулиятли фуқароларнинг ҳар бир амалий, ҳаракати ва фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қила олган ҳолда унинг ўзи ва ўзгалар учун нима наф келтиришини тушуна олиш қобилиятидир.

Фуқаролик масъулияти Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир онгли фуқаронинг қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларидан фойдаланиш баробарида, унга жавобан фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиб яшашидир. Бунинг маъноси, ҳар бир фуқаро мамлакат Конституциясига, Олий Мажлис қабул қилган барча қонунларга, Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорларга риоя этиши ва ҳурмат қилиши, уларни амалга

ошириш учун ўзида масъулият сезиши лозим. Шунинг учун унутмаслик керакки, ижтимоий тараққиётнинг демократик ривожланиш жараёни шахснинг ўзини-ўзи англаши, кадр-қимматини қай даражада эъзозлай олиши, жамият учун хизмат қилиш имконияти ва ҳаракат меъёрига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг ўзи яшаб турган кўча, маҳалласидан тортиб, то яхлит мамлакатнинг барқарорлигини сақлаб қолиш, хавфсизликни таъминлашда юксак масъулиятни ўз фаолиятида онгли равишда амалга ошириши демакдир.

Фуқаролик масъулияти ва тараққиётимизнинг бош омили ва кафолати - бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Бугунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган бирламчи ҳужжатдир. Ўзбекистон Конституциясининг бош мақсади замирида инсон манфаатларига хизмат қилиш принципи ётади. Шунинг учун ҳам унинг “Асосий принциплар”идан кейинги бўлими бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда бурчларига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VI боби “Фуқаролик” деб номланиб, Конституциянинг 21-моддасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади дейилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида давлат ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши ҳақида маълумот берилган бўлса, Конституциянинг 23-моддасида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши, улар Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этишлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда ёш авлоднинг фуқаролик масъулиятини шакллантириш масаласи бугунги кундаги долзарб масала сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу масаланинг ечимини ёшларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий онгини уйғун тарзда юксалтириш орқали топиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ёшларда фуқаролик масъулиятини шу тариқа шакллантириш ва ривожлантириш Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик, жамият тараққиёти ва қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир //Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 36-37 бетлар.
2. Саидқосимов А. Фуқаролик масъулияти – жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал, № 4, 2020 йил, 45 бет.
3. Садулла Отамуродов. “Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти”. Тошкент 2018 йил 148 бет.
4. Ibaydullayev, T. G. (2019). Ethnic cloths as a main factor of national cultural development. In EurasiaScience (pp. 119-120).
5. Melikuzievich, K. P., & Ibodullaevich, K. K. (2022, March). Moral perfection-anti corruption the spiritual basis of struggle. In E Conference Zone (pp. 86-88).
6. Turatov Sh.B. Factors of civil responsibility for the development of society // In an “International Multidisciplinary Conference” “Tech-Fest-2021”, published with Conference International Database, hosted online from Boston, USA on October 3rd 2021. - Page. 9-12.
7. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. Scientific progress, 3(3), 942-945.

8. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
9. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
10. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
11. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
12. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
13. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. integration of science, education and practice. *scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
14. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
15. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
16. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
17. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
18. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.
19. Ruziyev, A. (2021). Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро диалектикаси. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (2), 187-193.